

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

“НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 13-МОДДА.

№ 27
(383)
2004 йил
13 ИЮЛ
сешанба

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ИФОДАСИ

Шу йил охирида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеа рўй беради — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси шаклланади. Бу муҳим янгилик сайлов орқали амалга оширилади. Куйида ана шу жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумлар, Президент ва давлат ҳокимиятининг вакили идоралари сайловиде қатнашиши орқали амалга оширилади.

ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади: сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортнинг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат; сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози; сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо ва рақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилди.



санага қадар тўпланган имзолар уруғини қадаган эди. Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камиде сақиз фоизи миқдорда номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаро-

лар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган са-

наси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади. Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилияси, исми, отасининг

исмини, туғилган йилини (ёши ўн сақизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзили, паспортнинг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган сана кўрсатади. Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳи-

нинг имзо тўпланган аъзоси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортнинг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди. (Давоми иккинчи бетда)

ОМАД ҒОЙИБДАН КЕЛМАЙДИ

У ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ ВА ФИДОЙИЛИК ТУФАЙЛИ ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИ

Яшириб нима қилдик, дехқончиликда икки оёқ бир этикка тикилиб қоладиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Албатта, ҳақиқий дехқон бунинг олдини олишга уринади-ю, лекин баъзан қўл қалтириб қилиб қолиши ҳам мумкин. Айтилик, экиш пайти ер айна тобига келган, намини ўтказиб юборса, кеч бўлади. Аниқроқ айтганда, ҳар бир дақиқа ганимат, нафакат бир кун, бир соат ҳам қимматли. Шундай паллада дехқон ўзинга қўлай имкон қидиради. Бунда ишончли ҳамкорга эҳтиёж туғилади.

Бугунги сўрасангиз, “Саидрасулов” фермер хўжалиги аслида чорвачилик ва галлачиликка ихтисослашган. Унинг қарамоғида ҳозир 311 бош қорамол парвариши қилинмоқда. Уларнинг 90 боши соғин ситирлар. Фермер хўжалиги туман шифохонаси ва халқ таълими бўлими билан гўшт ва сўт етказиб бериш бўйича шартнома тузган. Тайёрланган махсулотни мунтазам уларга етказиб берапти. Унда савол туғилиши мумкин: фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланса, қандай қилиб пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларининг мушкулни енгилатади?

Фермер хўжалиги 2000-2001 йилларда лизингга “МТЗ-82” ва “МТЗ-80” русумли тракторлар сотиб олган эди. Бу йил эса “Савадогарбанк”нинг Иштихон тумани бўлимининг 16 миллион сўмлик кредит маблағи олиб, “МТЗ-80” русумли тракторлари сонини яна биттага қўпайтирди. Хозирги кунда фермер хўжалиги қарамоғида 13 та турли русумдаги техника воситалари бор.

Заруратни доимо ҳисобга олиб иш тутиш кераклигини чуқур англаган фермер хўжалиги раҳбари Б.Саидрасулов ерларни текислаш, экишга тайёрлаш учун иккита мослама тайёрлатган. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам металл қовуш қўйилиб устига темир дастак ўрнатилган. Узун дастак тракторга тиркалади ва ер текисланади. Худди шундай мосламанинг иккинчиси устига аслама мослама ўрнатилган. У майдон атрофини текислаш, қияликларни экишга тайёрлашда қўлланади.

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

У ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Газетамизнинг шу йил 20 апрел сониде жижазлик фермер Темур Худойкуловнинг “Ариза Ўзган эмишман” сарлаҳали тахрирсиз хати чоп этилган бўлиб, унда “Муяссар ота — Х” фермер хўжалигининг мавжуд — 15 гектар сувли ер майдонини туман ҳокимининг шу йил 2004 йил 6 мартдаги 421-сонли қарори билан олиб қўйилганини баён қилганди.

Шундан буюн орадан икки ярим ой вақт ўтди. Ҳў, бу борада қандай ўзгариш бўлди? Маълум бўлишича, Т.Худойкуловнинг тахрирсиз мактуби газетамизда чоп этилганидан эртаси куни Жиззах вилояти адлия бошқармаси туман ҳокими К.Қобилов номига 2004 йил 6 мартдаги 421-сонли қарорини бекор қилиш, “Муяссар ота — Х” фермер хўжалигига тегишли ерни қайтариб бериш тўғрисида тақдим-

нома киритган. Туман ҳокими эса ер тўғрисидаги қонунлар ҳамда адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан шу йилнинг 17 майда 821-а-сонли қарор қабул қилган. Қарорда фермернинг ер майдонини қайтариб бериш кўрсатилган. Туман ер ресурслари мазкур қарорга асосан ерни ижарага бериш шартномасини қайтадан расмийлаштириш ва ер балансига тегишли ўзгаришлар киритишни топширган. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи вазифининг бажаруви Х.Муҳиддинов зиммасига эса мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш юклатилган.

— Туман раҳбарларига учрашганимда ер сенки бўлди, ўзинг экан галлани энди ўзинг олиб, давлатга топширасан, дейишганди, — дейди Т.Худойкулов. — Ф.Ҳожиев билан Х.Муҳиддиновни “Севаара мангу” фермер хўжалигидан далолатнома билан еримизни беришар деб қўл бутдан. Туман ҳокими номига қарор ижроси таъминланмаётгани, Х.Муҳиддиновнинг ҳаракат қилмаётганини маълум қилиб, қўмақ сўраб хат билан мурожаат этдим. Натига бўлмади. Бу орада Ф.Ҳожиев бошқа жойга ишга ўтиб кетганди. Х. Муҳиддиновни топсам, ишни пайсалга солиди. Қарор менда туриб, “Севаара мангу” фермер хўжалиги галлага ўроқ туширди. Қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди. Фермер хўжалиги аъзолари ўтган йилнинг қузида ерга галла уруғи қадашган, шундан сўнг жорий йилнинг март ойида учун парварош қилишган.

Бирок қарор ўзида туриб, эгаллик тўлиқ тикланмагани сабабли ҳосилга бошқа хўжайинлик қияпти. (Давоми иккинчи бетда)

Faoliyat

дапояни бузиб, “Омад” навли пахта уруғини қадаган эди. Алмашлаб экиш, ернинг ҳосилдорлиги самарасини кўрсата бошлади. У кеч экилган бўлса-да, тумандаги баравж далалар бўйисидан фарқи сезилиб қўйди.

Фермер хўжалигида 13 нафар киши меҳнат қилади. Улар ҳар бирининг ўртача ойлик маоши 45 минг сўмданга тўғри келмоқда. Тадбиркор раҳбар Бекмухаммад Саидрасулов ва унинг ёнида биргаликда ишлаб, интилиб ишлаётган укалари — Музаффар, Бахтиёр, Бақодир ва бошқаларнинг фермер хўжалигининг иқтисодий қуввати ошишида ўз ўрнилари, хизматлари бор. — Мамлакатимизда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Б.Саидрасулов, — хусусий мулкчиликка кенг йўл очилган. Омад ғойибдан келишини куттиш ярамайди. Гап фақат имкон топшида, изланувчанлик билан ишлашда, муаммоларни саъй-ҳаракатининг билан ечишда.

Ҳа, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ривож учун барча шароит яратилган. Астойдил меҳнат қилган ҳар бир фермер Б.Саидрасуловнинг сингари улкан ютуқларни қўлга киритиши шубҳасиз. Хамид ЭҒАМ, журналист

Mavzuga qaytib

Тўғри, “Севаара мангу” фермер хўжалигидегилар ҳам кейинги йилларда шу ерда ишлаган. Икки фермер хўжалиги ўртасидаги “олди-берди”ни аниқ қилиш керак. Темирнинг дилхўфтонлиги сабаби ана шу ишни бажарадиган мутасаддиғларнинг қадами далага етиб келмаётганида.

Бир тарафдан ўйлаб қараганда, Темирнинг куйинишларида жон борга ўхшайди. Чунки унинг ерни топшириши ҳақида ёзмаган аризасини ёзганга чиқаришди. Битта қарор билан бирпасда ерни олиб қўйишди. Энди ерни қайтаришга наваб келганда масъулларнинг вақти йўқ. 17 майдан, яъни фермерга ерни қайтариб бериш тўғрисида қарор чиққанидан буюн салкам икки ой вақт ўтди.

Қарор ижроси кечикиш сабабларини ойдинлаштириш мақсадида туман ҳокимлигига бўлди. Бирок у ерда Х.Муҳиддиновни тополмадик. Ф.Ҳожиевнинг ўрнида туман ер ресурслари хизмати бошлиғи вазифини бажарувчи бўлиб вақтинча Ойбек Холбеков ишлайётган экан.

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан Сирдарё вилоятида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунларнинг ижросини ўрганиш шунини кўрсатдики, вилоятда тадбиркорларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари давом этиб келаяпти. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан хусусий мулкнинг дахлсизлигига путур етказувчи ҳаракатлар содир этилмоқда, тадбиркорларнинг маблағлари фермерларнинг ёзганга чиқаришди. Битта қарор билан бирпасда ерни олиб қўйишди. Энди ерни қайтаришга наваб келганда масъулларнинг вақти йўқ. 17 майдан, яъни фермерга ерни қайтариб бериш тўғрисида қарор чиққанидан буюн салкам икки ой вақт ўтди.

Қарор ижроси кечикиш сабабларини ойдинлаштириш мақсадида туман ҳокимлигига бўлди. Бирок у ерда Х.Муҳиддиновни тополмадик. Ф.Ҳожиевнинг ўрнида туман ер ресурслари хизмати бошлиғи вазифини бажарувчи бўлиб вақтинча Ойбек Холбеков ишлайётган экан. (Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2004 йил 2 июль 115-ум-сон Ташкент шаҳри

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан Сирдарё вилоятида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунларнинг ижросини ўрганиш шунини кўрсатдики, вилоятда тадбиркорларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари давом этиб келаяпти. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан хусусий мулкнинг дахлсизлигига путур етказувчи ҳаракатлар содир этилмоқда, тадбиркорларнинг маблағлари фермерларнинг ёзганга чиқаришди. Битта қарор билан бирпасда ерни олиб қўйишди. Энди ерни қайтаришга наваб келганда масъулларнинг вақти йўқ. 17 майдан, яъни фермерга ерни қайтариб бериш тўғрисида қарор чиққанидан буюн салкам икки ой вақт ўтди.

(Давоми. Боши биринчи бетда)
У суровимизга "Туман ҳокимининг 821 а-сонли қарори умумий бўлим томонидан менга берилган эмас", - дея жавоб қилди. Шунингдек, "Муяссар ота - Х" фермер хўжалигининг ерини "Севара мангу" фермер хўжалигига олиб беришда қатнашганини, бошқасидан хабарсизлигини айтди.

Ана, ҳоло! Бу ёқда Т.Худойкулов қарор ижроси таъминлашига умид қилиб югуриб юрибди-ю, ер ресурслари хизматидаги туман ҳокимлигидаги ҳужжатдан беҳабар.

Буни эътиборсизлик десак, силлиққан бўлармик, масъулиятсизлик дейлик, тўғрироқ чикар. Ҳамма гап туман ҳокимлиги умумий бўлимидан бошланган. Ишга панжа орасидан қаралган.

Аслида ижроси чўзилиб кетган қарор нусхаси туман ер ресурслари хизмати ходими ҳамда Ҳ.Муҳиддиновга расмий тарзда "Туман ҳокими қарорларини ижрочиларга етказишни қайд қилиш китоби"да рўйхатдан ўтказилиб берилиши керак эди. Аммо ҳокимлик умумий бўлими бошлиғи Ойбек Сарваров Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январда қабул қилинган "Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарори асосида амалга киритилган йўриқнома талабларини қўпол равишда бузган. Масъулиятсизлик шу даражада етиб борганки, қарор ижроси таъминлашнинг назорати зиммасига юклатилган

Ҳ.Муҳиддиновга ҳам бўлим томонидан қарор нусхаси берилмаган. Бунинг сабабини О.Сарваров нусха кўчириш дастгоҳи ва компьютер йўқлиги билан изоҳлади. Қизиқ, бўлимда О.Сарваров истаган шарт битмас, бунга фермер айбдорми? Ҳ.Муҳиддинов ва қарор ижросини таъминлашга ваколатли бўлганларга Т.Худойкуловнинг ўзи

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

У ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

қарор нусхасини бериши керак эмиш. Фермернинг айтишича, у тиклини қилавергач, Ҳ.Муҳиддиновнинг ўзидан қарор нусхасини олган экан.

О.Сарваров билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг шундай фикр туғилди: Вазирлар Маҳкамасининг нуфузли қарори билан жорий этилган йўриқномага амал қилмаслик умумий бўлимда мунтазам шундай бўлганими ёки тахририят ҳамда адилия бошқармасидан кўмак сўраган Темура Худойкуловга нисбатан қўлланялтишти? Ахир, бундай совуққун муносабат ижро интизоми бўшашига олиб келмаслигига ким қафил бўла олади?

Биз ҳокимлик умумий бўлимида

бўлганимизда фермер хўжалигидан ер майдонини олишга асос бўлган Т.Худойкуловнинг аризаси билан кизиқдик. О.Сарваров тахририят номига тубандаги тушунтириш хатини ёзиб берди:

"Т.Худойкуловнинг фермер хўжалиги ерини топшириш ҳақидаги аризини туман ҳокимлиги умумий бўлимининг "Аризаларни қайд қилиш ки-

Mavzuga qaytib

са-да, Н.Акрамов суд ҳужжатини нотўғри талқин қилиб, фермер хўжалигининг ер майдонини қайтариш тўғрисида ҳоким қарорини тайёрлаган. Бу илм-амал ўтмагач, адилия бошқармасининг тақдимномасидан сўнг у яна кейинги 821 а-сонли қарорини ҳозирлаган.

Куйидаги асосли таҳлилга эътибор беринг. Вилоятдаги мавжуд ўн икки туман орасида Жизжаз туман ариза-шикоятлар сони кўпчилиги жиҳатидан бешинчи ўринда туради. Шу йилнинг ўтган олти ойида адилия идораларига тумандан 45 та ариза-шикоят келиб тушган. Уларнинг 30 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидан бўлса, шунинг 28 таси фермерлардан. Ўтган йилда Адилия вазирлигига Форш туманидан битта, Бахмал ва Зафаробод туманларидан унчадан ариза-шикоят тушган бўлса, Жизжаз туманидан бу кўрсаткич ўн бештани ташкил этган.

Туман ҳокимлигига қатнаб овера бўлиб юрган фақат Темура Худойкулов эмас. Унга ўхшаш тақдирли фермерларни яна санаш мумкин. Масалан, "Равот" ширкат хўжалигидаги "Алланазар ота" ва "Раҳимжон Раҳмон" фермер хўжаликларини олайлик.

Бу каби ҳолатлар қанчогача давом этар экан?
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Shartnoma qonunchiligi

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

БУНГА САБАБ НИМА?

Шахрисабз туманидаги Фани Бобоёров номидаги ширкат хўжалиги пудрат тизимида чек билан ишлаш йўналишига 1992 йилда ўтган. Демакки, бу хўжаликда айни шу соҳада етарли тажриба тулган. Ўтган йили пахтачилик бўйича 373 нафар, галлчилик бўйича 78 нафар киши оилавий пудрат шартномаси асосида минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қилишди. Юқори ҳосилдорликка эришилгани учун 1 миллиард сўмдан ошириб олинган умумий даромаднинг 176 миллиони соф фойдани ташкил этган. Рентабеллик эса 22,5 фоизни кўрсатиб турибди. Шартномага мувофиқ галла режасини ортиги билан бажарганлар қолган галлани ўзларига олишган. Пахтадан юқори ҳосилдорлик учун белгиланган ёғ, шелуха, широт маҳсулотлари ҳам деҳқонларга тўлиқ етказиб берилган. Галла ёки пахтадан шартнома мажбуриятларини сабабсиз удалай олмаган ижарачилардан йил охирида умумий йиғилиш қарори билан ер майдонлари қайтариб олинди, бошқа ижарачиларга берилган. Жорий йил ҳисобидида галла ва пахта бўйича 13 та кичик ширкатда 575 нафар ижарачи хўжалик билан шартнома асосида меҳнат қилмоқда. Хўжалик бошқаруви деҳқонларнинг ишончини қозонган. Айни пайтгача хўжалик четдан ёрдам олмагандан ўзининг 5 та қамбайни билан 50 фоздан зиёд галла майдонини ўриб-йилғиб олишга эришди. Оилавий пудратчилардан Шодийёр Ҳўжанов, Холмуҳаммад Хайдаров, Қодир Хуррамов, Обид Рустамов ҳар гектар галла майдонидан 50 центнердан ошириб ҳосил олишди. Деҳқонлар чек юритиш, шартнома муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканини яхши англаб етишган. Шартномалар тўғрисида ва қонуний тўлдирилган. Уларнинг бир нусхаси ва чек дафтарлари пудратчиларга берилган. Ҳозир хўжаликда дастлабки консерва заводи, сутни қайта ишлаш заводи, гишт заводлари фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик аъзолари бундай муваффақиятларни шартнома шартларига қатъий амал қилинаётгани билан изоҳлашди.

Парда Шеробоев номидаги ширкат хўжалиги ҳам галлчилик ва пахтачилик билан шуғулланади. Хўжаликда жорий йил ҳосили учун пахтачилик бўйича шартномалар март ойида, галлчилик бўйича эса ўтган йилнинг декабр ойида имзоланган. Шартнома арақалари туман қишлоқ ва сув хўжалигининг шартнома бўлимида қўриб чиқилиб, "тўғри" деб тасдиқланганига қарамай, шартномаларда ширкат бошқаруви раисининг исми, фамилияси кўрсатилмаган. Иккинчидан, шартнома иловаси бўлган ер тузиш далолатномаларининг биронтасига ерларнинг балл бонитети қайд этилмаган. Шунингдек, шартномада меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг исми ва фамилияси кўрсатилмаган.

Ўтган йили галлчиликдан тузилган 57 та пахтачилик бўйича 39 та пудратчи ижара мажбуриятларини бажармаган. Бу йил эса уларнинг аксариятидан ер қайтариб олинган. Бу ҳақда чиқарилган умумий йиғилиш қарорини эса қадрлар бўлими бошлиғи далада бўлгани учун кўра олмадик. Пахтачилик бўйича юқори ҳосилдорликка эришган пудратчиларга берилиши лозим бўлган ёғ, шелуха, широт маҳсулотлари ҳам қозиргача тўлиқ етказиб берилмаган. Хўжалик 320 гектар майдонга пахта, 280 гектар майдонга галла эккан. Галла майдонларининг 50 фоизидида ўрим-йиғим ақунланган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 45-50 центнердан ошмаган.

Кўриниб турганидек, бир тумандаги икки ширкат хўжалигидида икки хил манзара юзага келган. Бизнингча, бунинг сабаби шартнома қонунчилигига қандай амал қилинаётганидир. Бундан қандай хулоса чиқариш мутасаддилар ихтиёрига ҳавола.

Ғоzi РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Пахтаободлик фуқаролар Ҳабибулло Икромов, Тожиохун Қодиров, Маъруфжон Ҳасаровлар фермер бўлиш ниятида ўзлари яшаб, ишлаб келаётган ширкат хўжаликларига мурожаат қилишди. Уларнинг бу иттиҳомларини ширкат хўжаликларини қўшидаги фермер хўжаликларига ташкил этиш комиссияси ҳам қўллаб-қувватлаб, 10 гектар ерни узоқ муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиш бериш ҳақида ижобий хулоса берди.

Мазкур комиссияларнинг хулосалари бўлажак фермерларнинг аризалари 2003 йилнинг бошида ширкат хўжаликларининг умумий йиғилиши ҳуқуқига эга бўлган вакиллар йиғилишида қўриб чиқилиб, уларнинг ҳар бирига 10 гектардан ерни узоқ муддатга фойдаланиш учун ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Фермерларнинг аризаси, ширкат хўжалиги вакиллари йиғилишининг хулосалари илова қилинган ҳолда, Пахтаобод тумани ҳокимлигига 2003 йилнинг куз ойларида топширилган.

Пахтаобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги деҳқон ва фермер хўжаликларига ер участкаларини бериш масалаларини қўриб чиқиш комиссияси Тожиохун Қодировнинг аризасини ўрганиб чиқиб, унга Олим Қурбонов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида фермер хўжалиги ташкил этиш, унга 10 гектар ерни ижарада фойдаланиш учун ажратишни тасвир қилган. Шу билан бирга бу масала бўйича туман ҳокимининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, комиссия аъзолари имзо қўйиб тасдиқлашган. Лекин ҳеч қан-

дай асоссиз равишда қарор туман ҳокими томонидан имзоланмаган. Шунингдек, фермер хўжалиги таш-

қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатга

ФЕРМЕРЛАР ЕРНИ БЎЛДИ

қил этишни мақсад қилган Ҳабибулло Икромов, Маъруфжон Ҳасаровнинг аризаларига нисбатан ҳам туман ҳокимлиги томонидан ана шундай эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан қаралган. Ҳар учала фермерга ҳам ер участкаси ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳамда асосларни кўрсатиб, аризани қўриб чиқиш натижаси ҳақида ариза муаллифларига ёзма жавоб берилмаган.

Бунинг оқибатида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18, 21-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли

ижарага бериш Тартиби" талаблари қўпол равишда бузилган. Аризаларига асосли жавоб ололмади сарсон бўлган фуқаролар Андин тумани вилояти адилия бошқармасига ариза билан мурожаат қилишди.

Dakki

Халқимизнинг "Бели оғримаганининг нон ейишини кўр", деган нақли бор. У тайёрга айёр ёки ўзининг мулкни ўзиникидек ўзлаштириб юборадиганларга нисбатан айтлади.
Мирзаобод туманида айнан шундай ҳол рўй берди. Фермер хўжаликларига ҳисоб рақамига маҳсулот ҳисобидан келиб тушадиган бунак пулининг бир қисmini "Пахтабанк"нинг туман бўлими ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса-да, тумановиди машина-трактор паркисига ҳисобига ўтказиб юборган. Шу ўринда бунга ким айбдор, "адашган" мулклар қачон эгасарига қайтариб берилади, деган саволлар туғилиши шубҳасиз.

Масалан, "Р.Қосимов" фермер хўжалиги ўз техника ва транспорт воситаларига эга бўлгани учун туман «МТП»-си билан хизмат кўрсатиш ва механизация ердамида ишлар бажариш юзасидан ҳеч қандай шарт-

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

у эгасининг розилигисиз хазм бўлмайди



нома тузмаган. Ўтган йили ҳам фермернинг ушбу ташкилотга эҳтиёжи бўлмаган. Бироқ фермер хўжалигининг 2003 йил ҳосили учун келиб тушган 183320 сўмлик бунак пули "Пахтабанк"нинг Наврўз бўлими масъул ходимлари айби билан «МТП» ҳисобига ўтказиб юборилган. «МТП» уни шу йил бошигача эгасига қайтармаган. Шундай бўлса-да, жорий йилнинг феврал ойида "Бахт пахта тозалаш акциядорлик жамияти" томонидан хўжалик ҳисобига ажратилган 406275 сўм яна «МТП» ҳисоб рақамига ўтказилган. Ҳолбуки, фермер хўжалигига ушбу қорхона билан шартнома тузиш учун эҳтиёж ҳам йўқ эди. Албатта, маҳсулот учун жамғарма томонидан қайси "транс" ва йўлланма билан пул келса, у айнан шу мақсадга сарфланадиган шарт. Бироқ маҳсулот етиштирувчининг хизмат қўсатувчи билан шартномаси бўлмас-чи? Тумонлар ўртасида ўзаро шартнома йўқлигини "Бахт пахта тозалаш" акциядорлик жамияти мутасаддилари билмаслиги мумкин, лекин бандиқаси маъсул ходимлар қаёққа қарашган?

Бундай дейишмиизнинг боиси шундаки, Молия вазирлигининг 24-сонли масъул йўлланмасида маваққат ҳисоб рақамларидан маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфлангани ва ўз вақтида ўтказилиши бўйича жавабгарлик тижорат банклари, "Пахтаसानот" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, "Узгро-машсервис" уюмчаси машина-трактор парклари, шунингдек, қишлоқ хўжалик қорхоналарининг раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчилар зиммасига юкланган. Демак, маблағ кўр-қўрона ишлатилмаслиги қонун доирасида қафолатланган.

Устига-устак, "Давлат эҳти-

вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан «МТП»да 2003-2004 йилларда тузилган шартномалар қонунчилиги ва ижроси юзасидан ўрганиш ўтказишда аниқланди. Яқинда Сирдарё вилояти адилия бошқармаси фермер хўжалиги ҳисобига асосий қарз билан солидар тартибда ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Тумандаги ўнлаб фермер хўжаликларининг маблағлари шу тарзда бошқалар ҳисобига ўтказиб юборилгани замирида нима ётибди? Бу ҳолини мутасаддилар қандай изоҳлашди?

Билиб-билмай тавakkалчилик билан ўзганинг маблағига чанг солиш яхши оқибатга олиб келмайди. Энди бундай хатони ўзгалар тақдорласлиги керак.

Дониёр ХАЙТАЛИЕВ,
Хуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ
"Инсон ва қонун" муҳбири

Qonun ko'magi

Вилоят адилия бошқармаси томонидан шикоят ўрганилганда, юқорида баён этилган қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди ва бу ҳақда Пахтаобод тумани ҳокими Шукрулло Сатторов номига тақдимнома киритилди.

Ушбу тақдимномага кўра, туман ҳокими Ш.Сатторов шу йил апрел ойида ўз қарорини қабул қилиб, Тожиохун Қодиров, Ҳабибулло Икромов, Маъруфжон Ҳасаровларнинг ҳар бирига 10 гектар ер майдонини деҳқончилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш учун 50 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратилди.

Пахтаободда мустақиллик қалдирғочлари бўлган яна уч фермер хўжалиги ташкил топди. Мустақил давлатимизда қонун устувор экан, ҳеч қим фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларни ривожлантириш ҳаракатига тўқилиш қила олмайд.

Қосимжон ЙҮЛДОШЕВ,
Хуқуқшунос
Илхомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2004 йил 2 июль 115-ум-сон Тошкент шаҳри

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Адилия вазирлиги Марказий аппарати ходимлари томонидан 2004 йил май ойида виллоятда ўтказилган ўрганишларда жами 21648 та юқоридаги кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Бу ҳолатлар виллоятда тадбиркорликнинг ривожланишига ва уларнинг эркин фаолият юритишига сезиларли даражада тўсиқ бўлиб турибди.

Адилия вазирлиги томонидан 2004 йил январь ойида виллоятдаги тадбиркорлар орасида ўтказилган илтимосий сўровда ҳам уларнинг аксарияти рўйхатдан ўтказишда, турли рўксатномалар олишда, кредит ва ер ажратишда мuddатлар бузилганлигини, айрим мансабдор шахслар томонидан амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинганлигини билдирди.

Сирдарё вилоят адилия бошқармаси эса ушбу қонунбузилиш билан келишувчанлик муносабатидида бўлганлиги сабабли, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқини қўпол равишда бузиш ҳолатлари йилдан-йилга тақоррланиб келяпти.

Адилия бошқармаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги муаммоларни етарли ўрганмаганили, уларни бартараф этиш юзасидан кескин чоралар қўрилмаганили виллоятдаги мавжуд вазиятга таъсир ўтказма олмаслиги қарор қилинди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан адилия бошқармаси томонидан қўрилган чоралар талаб даражасида эмас. Хусусан, жорий йилда виллоят адилия бошқармаси томонидан 53 та тақдимнома киритилган бўлиб, унга асосан атиги 16 та мансабдор шахс жавабгарликка тортилган. Лекин биротаси ҳам эгалаб турган лавозимидан озод этилмаган.

Адилия бошқармаси томонидан жорий йилда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг чўнтагиндан ундиришга қаратилган моддий ва маънавий зарарлар бўйича судларга атиги 6 та 10 нафар мансабдор шахсларга нисбатан 1,1 млн. сўмлик даъво аризалари киритилган.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавабгарликка тортиш юзасидан киритилган айрим тақдимномаларнинг ижроси охирида ҳам хал қилинмаган бўлсада, назоратдан олинган, айбдор шахсларни жавабгарликка тортишда мурасоолиликка йўл қўйилиб келинапти.

Бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурасининг 13.03.2004 йилдаги қўшма ҳайъат мажлиси баёни ва Адилия вазирлигининг 15.03.2004 йилдаги 39ум-сонли буйруғини ижроси қоникчар эси аҳолида. Ўтган 5 ой давомида ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бузилишига, ер майдонларини фермерларга ажратишда суиестемольчиликка йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавабгарликка тортиш тўғрисида бирор-бир тақлиф киритилмаган.

Бундан ташқари, виллоят ҳудудидаги мавжуд 39 та хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги қорхоналардан бугунги кунда 26 таси фаолият юритмаётганлиги сабаблари ўрганиб чиқилмаган ва уларнинг фаолиятини тиклаш юзасидан зарур чоралар қўрилмаган.

Адилия идоралари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни баҳаршида ҳам бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Меҳнатобод, Сардоба, Ховос туманлари ҳамда Янгиер шаҳар ФХДБ бўлимидаги далолатнома ёзувларини тўлдирish сифати қондалар талабига жавоб беришди. Фарзандликка олишни расмийлаштиришда баъзан ҳоким қарорлари асоссиз бўлса-да, ижрога қабул қилинган.

Вилоятдаги қўпчилик давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятида, хусусан реестр китобларини юритишда хато ва камчиликларга йўл қўйилган ҳолатлар мавжуд.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам иш аҳолии қоникчарли даражада эмас, бу масалага қатъий эътибор билан суқташлик билан қаралмоқда. Ўтказилган текширишлар натижасида фуқароларнинг 19 та ариза-шикоятлари юзасидан келтирилган вақтлар асосли деб топилган бўлса-да, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида қайта тақоррланмаслигининг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига сабаби бўлган мутасаддиларнинг шахсларни жавабгарликка тортиш юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар киритиш масаласи хал қилинмаган.

Шунингдек, бошқарма то-

монидан ҳуқуқий тарғибот ишлари оммавий ахборот воситаларида режа асосида ташкил қилинмаган.

Бошқарма томонидан жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, нодавлат ва но-тижорат ташкилотларини рўйхатга олишда, айрим ташкилотларнинг йиғилиш баённомалари ҳамда ташаббускорлар рўйхати нотарий тасдиқланмаганлигига эътибор қаратилмаган.

Адилия бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар 2003-2004 йил давомида ҳисобот тақдим этилиши таъминланмаган.

Суд қарорларини ижро этиш Департаменти томонидан суд ижрочиларининг фаолияти юзасидан етарли назорат ўрнатилмаган. Хусусан, суд ижрочиларининг Мирзаобод, Сайхунобод, Бобўвт, Сардоба, Сирдарё туманлари ва Янгиер шаҳар бўлимида ижро ҳужжатларини бир неча оилаб ижросини таъминламаслик ҳолатлари мавжуд.

Юқоридагиларга асосан, Сирдарё вилоят адилия идоралари фаолиятини самардорлигини ошириш, шунингдек, 2004 йил 24 июндаги Адлия вазирлигининг ҳайъат қарорини ижро этиш мақсадида

БУ ЮРАМАН:

1. Вилоят адилия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги қорхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириётган ишларида жиддий камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин.

Бошқарма иш фаолиятини тўғри йўлга қўйиш мақсадида унинг иш режаси вазирлик ҳамда бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишлар таҳлили, тадбиркорлар ўртасида олиб борилган сўров натижалари ҳамда виллоятдаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқилсин.

2. Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни доимий равишда аниқлаб бориш адилия бошқармасининг энг муҳим вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят адилия бошқармаси тегишли идораларга киритилган тақдимномаларнинг ижроси бўйича айбдор шахсларни қилишига яраша муқаррар жавабгарликка тортилишини таъминласин, бу борада ҳеч қандай муросага берилмасдан, қатъий ҳаракат қилинсин.

3. Вазирлик ишчи гуруҳи томонидан виллоятда ўтказилган ўрганишлар жараёнида тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси, тижорат банклари, солиқ идоралари ва бошқа назорат қилувчи органлар фаолиятида қўллаб қонунбузилишлар аниқланганидан келиб чиқиб, адилия бошқармаси бу соҳаларда алоҳида қаттиқ назорат ўрнатсин ҳамда мунтазам равишда қонунларни бузаётган ва қонунларни менсимайдиган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чораларни кўрсин.

4. Маҳаллий ҳокимият идораларининг тадбиркорлардан ноқонуний жалб этилган маблағларни бир ой мuddат ичида тадбиркорларга қайтарилиши ва ноқонуний қабул қилинган қарорлар бекор қилиниши таъминласин. Ушбу қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларни муқаррар жавабгарликка тортиш чоралари қўрилсин.

5. Назорат қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган ҳар бир ноқонуний текширишлар юзасидан тушунтириш олиниб, уларни ишдан бўшатиш чораси қўрилсин.

Тадбиркорларни маъмурий ва молиявий жарималарга тортилишини қанчалки асослигини ўрганиб бориш, асоссиз равишда қўлланган жарималарни бекор қилдириш ҳамда тадбиркорларга етказилган зарарни Беовсита айбдор шахслардан ундирилиши таъминласин.

Одатда, оилага жамиятнинг энг муҳим бўғини сифатида таъриф берилди. Зотан, жамиятни ташкил этувчи куч — инсон оилада дунёга келади ва тарбия топади. Оилани ижтимоий-руҳий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали шахсни ижтимоийлаштириш жараёни замирида ётган ва оила аъзоларининг яқдрилишига таъсир кўрсатадиган омилларни кўрсатиш мумкин.

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Жамият аъзолари, қисман бўлса-да, шу жамиятдаги бирор-бир гуруҳ таркибига кирилади. Масалан, шахс кайсидир этник гуруҳнинг ёки ишчилар жамоасининг аъзоси бўлиши мумкин. Бирор жамоага мансублик кишининг бошқалар билан бирга яшаш, улар ёнида бўлиш каби психологик ҳолатларни қондиради. Шунингдек, кишида ўз шахсини аниқлаш ҳиссини ҳам уйғотади. Жамоада ҳамisha хулқ-атворининг шартси қонун-қоидаларни, меъёрларни юзага келиб, кейинчалик улар гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатларини, хулқ-атворини, дунёқарашларини белгилашга қодир бўлади. Шартси қонун-қоидаларга ҳамда меъёрларга гуруҳ аъзолари бўйсундиларми ёки йўқми, кўп жиҳатдан кишини маъмур гуруҳни қандай идрок этишига ва қабул қилишига боғлиқ бўлади. Агар унга гуруҳ аъзоси эканлиги муҳимроқ бўлса, у албатта, ундаги меъёрларга, тартибларга бўйсунishiга интилади. Шунинг айтиш жоизки, гуруҳни камида икки киши ташкил этиши мумкин бўлиб, улар ўртасидаги хис-туйғуларга асосланган алоқа ушбу

гуруҳнинг феъл-атворини юзага келтиради. Оила ва ундаги эр-хотин ўртасидаги муносабат ҳам бунинг ёркин намунаси бўлиб, оила ва унинг аъзолари, никоҳ ришталари ёки қариндошлик алоқалари, турмушининг умумийлиги ҳамда ўзаро маънавий жавобгарлик билан кичик бир гуруҳ деб қаралади. Оила каби кичик ижтимоий уюшмалар маданий анъаналар ва қадриятларни авлоддан-авлодга олиб ўтувчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Шунинг учун кичик гуруҳ, биринчи навбатда, оила жамиятнинг, катта ижтимоий гуруҳларнинг кишига таъсирини ўтказувчи восита ҳисобланади. Кўпинча оиланинг кишига кўрсатадиган таъсири катта ижтимоий уюшманинг таъсиридан кучлироқ бўлади. Кичик жамоалар расмий ва норасмий аломатларга эга бўлиб, норасмий аломатларга эгалари, одатда,

умумий қизиқишлар асосида бирлашади. Ана шу аломатлар жамоа аъзоларига топшириб келинади ва кундалик муносабатлар жараёнида шаклланади. Оила ҳам расмий, ҳам норасмий аломатларга кўра, уюшган кичик гуруҳдир. Оила аъзоларининг эр ва хотин, ота ва меҳр, буриятларини бажариш тартиби қарор топади. Умуман айтганда, оилада рисолададек турмуш кечириш учун эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаган бўлиши, бу мажбуриятлар зиддиятларни келтириб чиқармаслиги, оиланинг бошқа аъзолари кўнглидаги ният ва мақсадларини инобатга олиниши керак. Инсоннинг оиладек кичик

гуруҳ ҳаётидаги иштироки даражаси турлича бўлиши мумкин. Оила, инсоннинг иштирок даражасидан келиб чиқиб, индивидга кўп ёки кам таъсир ўтказиши. Бу иштирок ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, бошқача айтган-

Mohiyat

Гуруҳлар ва урф-одатлар асосида истиқомат қилувчи, ўзаро хурмат, меҳр-муҳаббат етакчидир. Бу турдаги оилалар сонининг ортиб бориши жамиятнинг соғломлигидан, барқарорлигидан далолат беради. Махаллалар, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари ўз фаолиятларида ана шундай оилаларга таянади. Бошқа бир тоифа оилалар маънавий қадриятлардан кўра, моддий қадриятларни эътироф этишади. Бундай оилада ота-оналар бойликка хирс қўйиши, қандай йўл билан бўлмасин, унга интилишига уринади. Оқибатда, ўз фарзандларини ҳам ҳалол йўл билан бойлик топишдан кўра, нопок йўллардан боришни афзал кўришга ўргатади.

Мана шундай кичик гуруҳлар ҳаёти ва фаолияти, ички динамикасини яхшироқ билиш уларни ташкил этувчи кишининг онги, дунёқарашини тушунишда муҳим омил ҳисобланади. Таълим-тарбияга масъул ходимлар намунали оилаларнинг ижобий жиҳатларини тарғиб этган ҳолда, салбий томонларини аниқлаб, бундан ёшлар дунёқарашини тўғри йўлга солишда, уларнинг маънавиятини бойитишда фойдаланишга, мақсадга мувофиқ бўлади.

Холмат САМАТОВ

Iftixor

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ: ШАХМАТ ТОЖИГА БИР ҚАДАМ

Шу кунларда мамлакатимиз шахмат ишқибозларининг нигоҳи Ливиянинг Триполи шаҳрига қаратилган. Бу ерда Жаҳон шахмат федерацияси (ФИДЕ) томонидан ўтказилган жаҳон шахмат биринчилигида ҳамюртимиз — Рустам Қосимжонов ўзининг юксак савиядаги ўйинлари билан кўпчиликнинг таъсирини сезиб олди. Пировард натижада биринчилигини финалгача йўлланма олди. Ўзбекистонлик шахматчилардан бирортаси ҳам ҳозиргача бундай олий даражадаги мусобақага йўл тополмаган, бундай юксак натижага эришмаган эди. Яхши-си, келинг, бир бошдан ҳикоя қилайлик.



Рустам Қосимжонов кейинги йилларда бир қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашгани, ўз маҳоратини ошириш йўлида тинмай изланаётганлигидан хабарингиз бор. Унинг бу саъй-ҳаракатлари мамлакатимиз раҳбарияти ва спорт қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланаётган. Бу эса Рустамни янги зафарларга ундапти. Унинг жаҳон биринчилигидаги зафарли қадамлари ана шундан далолат беради. Триполидаги чемпионат 18 июнь кунини бошлаган эди. Жаҳоннинг энг кучли шахматчиларидан 128 киши шахмат тожи учун курашни бошлади. 5 босқичдан иборат саралаш ўйинларида у Кубалик Александр Рамиресни, Эронлик Эҳсон Гойиммақомини, энг кучли шахматчилардан Украинлик Василий Иванчук ва Россиялик Александр Гришукни, Венгриялик Золтан Алмасийни доғда қолдирди. Ярим финалда Болгариялик маҳоратли шахматчи, 2737 га тенг бўлган рейтингга эга бўлган жаҳоннинг энг кучли шахматчилари рўйхатида 5 ўринда турган Веселин Топалов билан юзма-юз келди.

Дастлабки тўртта ўйин дуранг натижа билан тугади. Қоидага кўра, энди 25 минутли 2 та қисқа партия ўйналиши керак эди. Рустам иккала партияни ҳам ютиб, сенсация яратди ҳамда финалга чиқди. Финалда унга Озарбайжонлик Теймур Ражабовни ютган Англиялик Майкл Адамс рўбарў келди. Унинг рейтингини — 2731, энг кучлиларнинг рўйхатида 8-ўринда турибди. Аммо Рустам бу сафар ҳам ишончли ўйинлари билан ишқибозлар олқишига сазовор бўлди. Қоидага кўра, финалда рақиблар олти партия ўйнашлари, агар ора очик бўлмаса, иккита 25 дақиқали ўйин ўйнашлари зарур эди. Ҳозиргача 5 та партия ўйнади. ҳисоб 2,5x2,5. Охириги партия кеча кечаси ниҳоятга етди. Оқ доналар билан ўйнаган Қосимжоновнинг имконияти катта. Агар у ютса, жаҳон чемпиони бўлади. Агар дуранг қайд этилса, 2 та қўшимча партия ўйналади. Хуллас, Рустам шахмат тожигача муносиб даврога эканлигини исбот этди. Бугун жаҳон биринчилиги ниҳоятга етди. Янги жаҳон чемпиони номини эълон қилинади. Ўзбекистондаги минглаб шахмат муҳлислари шахмат тожи ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновга насиб этишини чин дилдан тилаб қоладилар.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ

Mushohada

Энг гўзал ва ноёб ҳилқат бўлган аёл доимо ўзининг гўзаллиги, саноқати, шарм-ҳайси билан улуғ бўлиб келган. Аёл шундай қудратли мавжудотки, у дунёнинг юкни елкасига кўтарилади. Ер юзюда ана шу ном эгасини севамак, унга сажда қилмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Чунки аёл бу бизни авваламбор дунёга келтирган онамиз. Кейин эса суюкли севилимиз, жондан азиз қизимиз, онамиз, синглимиз, дўстимиздир. Аёлни таърифни қанчалик дoston қилсак, шунчалик оз.

МЕҲРСИЗЛИК

Ҳа, аёлларимиз ҳақиқатан ҳам ҳаётимиз кўрки ва қувончи. Буни ҳаммамиз тан оламиз. Лекин шунинг айтиш керакки, айрим аёлларимиз бугун ўз аёллик латофатини мутлақо йўқотиб, ноҳўра ишга қўл урмақда. Яқинда Каттақўрғон шаҳар, Аҳмад Ясавий кўчаси, 40-ўйда яшовчи эр-хотин Мавлуда Холмуродова ҳамда Рашид Хамроев уйларига келган меҳмон — эрининг укаси Ринат Хамроевнинг шарафига дастурхон ёзишди. Дастурхонга ичкилик ҳам қўйилди. Қизиги, уй бекаси Мавлуда Холмуродова аёллик ибод ва ҳаёсини бир чеккага йиғиштириб, ўз турмуш ўртоғи ҳамда қайнисин билан бирга қўшилиб ароқ ичди. Харқалай аёл киши эмасми, бир зумда ўзини йўқотиб қўяди. Хотинининг меъёр ва ахлоқ-одоб доирасидан чиқиб кетганини аниқлаш Рашид Хамроев уни тартибга қайтаришга ўзига бидирилган дашномни ҳам қўйиб қўйди. Унинг бекаси аввал ўз турмуш ўртоғи билан даханаки жангга ўтади. Эр-хотин ўртасида бошланган жанжалга аралашмаслиги учун Ринат хайр-маъзури насия қилиб, кетиб қолади. Меҳмон кетгандан кейин эса бошланган жанжал аланга олиб, эр-хотин ўртасида муштлаш бошланади. Эрининг туширган тарсақисига чидай олган Мавлуда оёғидаги туфлисининг

пошниси билан унинг бошига аямай бир неча марта уради. Оғир зарба натижасида Рашид тез орада жон таслим қилди. Яқинда ана шу жиноят иши бўйича суд мажлиси бўлиб ўтди. Суднинг ҳукмига биноан эндигина қирқ беш бахорни қоралаган Мавлуда Холмуродова ўз турмуш ўртоғи Рашид Хамроевни ўлдиргани учун ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ҳақ қарор топиб, жиноятчи ўз қилмишига яраша жазо олди. Лекин шу ўринда киши кўнглида ҳақли савол туғилади: ҳўш, аёл девон мукаддас ном эгаси қандай қилиб бу қабоҳат йўлга кирди? Нега қавму-қариндошлари, ўзи билан бирга ишлайдиганлар — қўйингки, бир маҳалла, бир кўчада яшайдиганлар ўз вақтида уни тартибга қайқирмади? Нега ушбу хонадонда бўлган жанжалга ҳамма томошабин бўлиб келган? Бу фожианинг аям сурган меҳрсизликка қорб тақалди. Чунки ҳар бир оилада эрининг ҳам, хотинининг ҳам ўз ўрни бўлиши керак. Бундан ташқари, мурося-ю мадора, оқибат, аҳиллик каби фазилатлар оилани тутиб турадиган устун саналади. Ана шу фазилатлар йўқолган жойда қўлмалаган фожилалар келиб чиқади. Маҳкам ХАМИДОВ, ҳуқуқшунос Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Nadomat

ДИЛ ЯРАСИ

Давоми. Боши учинчи бетда. Уйдан чиқиб, мабодо тоғаси рўпара келса, уни қўриқтиш мақсадида охиона пичоғини ёнига олган. У даладан қайтаётганда ҳамқишлоғи Малик Узоев уй ёнида тоғасининг оқ рангли "ВАЗ 2106" русумли "Жигули" енгил автомашинасида келётганини кўриб қолган. Шунда Хошим кўча четидан турган ечки йилдиракли аравага кўприк устига қўндаланг қўйган.

Тоғам машинадан тушиб, отам ва онам шаънига ноҳўра сўзлар айтиб, мени ҳақоратлади. Мен бунга чидай олмай ўзим билмаган ҳолда ёнимда олиб юрадиган пичоқ билан тоғамнинг кўрак ва орқа соҳаларига урдим. — деди суд мажлиси чоғида Хошим. — Агар ҳақорат қилмаганда, тоғамни ўлдириб ниятим йўқ эди.

Котил жиян тоғасининг аъзойи-танига йиғирма марта пичоқ санчиши натижасида сачраган қондан қўриқиб, воқеа жойидан қочиб қолди. Шундан сўнг у амакиси Рашид Рамазоннинг уйига келиб, тоғасини пичоқлаганини айтди. У жиноят қуроли бўлиши амакиси уйи ёнидан оқиб ўтаётган ариққа ташлаб юборди. Кейин эса Рашид Рамазоннинг қишлоқ оқсоқли Холмурод Ади-

зов уйига бориб, котиллик ҳақида уни хабардор қилади. Оқсоқол зудлик билан қишлоқ профилактика нузари Неъмат Ражабовга учрашишни айтади. Орадан кўп ўтмай туман марказидан тезкор гуруҳ етиб келади. Дастлабки суриштирув ва суд терговини давомиди Хошим Рамазон котиллик жиноятига тўлиқ иқдор бўлган.

III. СўНГИ СўЗ Рўй берган фожиа фақат икки хонадоннинггина эмас, бутун қишлоқ аҳли ҳаловатини бузди. Ҳамжихат, ахил, тотув бўлиб яшашга нима ётсин? Ахиллик бор жойдан кўт-баракка қўтарилмайди. Афсуски...

Бир қишлоқда яшаб, қариндош-уруғ бўла туриб, шахсий адоват ва келишмовчиликлар мавжуд бўлган оилалар тақдирига қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари, профилактика нозирлари, маҳалла посбонлари нега бефарқ қарашибди? Қишлоқда кўпни кўрган, обрў-эътиборли, ҳаёт синовларидан ўтган, сўзи кескир кексалар йўқ эдимми? Нега асрлар аввал ота-боболаримиз қариндош-уруғларининг ўзингдан узоқлаштирма, уларга марҳамат кўзи билан боқ, гапига қулук сол ва ҳамisha яхшичилигини аяма, деб панду-насихат қилишган? Қариндошлар билан меҳр-оқибат ришталарини узиш

— дунё лаззатларидан кўз юмиш ҳақида уни хабардор қилади. Чунки тўй-маъракалар, қайгули ва қувончли кунлар улурсиз ўтмайди. Одамзод бошида учта қулфат бор, дейишади. Бу — ўлим, қарил ва ёмон фарзандлар. Қариллик ва ўлим — тақдир азал. Қўлига пичоқ олиб, ўз тоғасининг кўксига санчган фарзанд кўрнамек эмасми? Ахир, у она кўксидан оқ сўт эмган одам боласи-ку? Бирор фойдали иш билан шуғулланганида, балки Хошим даҳшатли жиноятга қўл урмасмиди? Суд мажлисида котил қўйидаги сўнги сўзини айтди: "Мен содир қилган қилмишим учун марҳум тоғам ва қариндошларимдан кечирим сўрайман. Менга нисбатан қандай қонуний жазо берсаларингиз, розиман". Ҳукм ўқиб эшиттирилди. Унга нисбатан ўн саккиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Тиг яраси битади, бироқ дил яраси-чи? Қариндош-уруғлар уни кечиришармикан? Буни вақт кўрсатади. Зеро, вақт одам кўксини ҳам, табиати ва тақдирини ҳам ўзгартириб юборишга қодир. Абдуҳалим НАСРИЕВ, ҳуқуқшунос Валижон ЮСУПОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири.

Тошкент Давлат юридик институти 2004-2005 ўқув йилида магистратурада ўқиш учун кўйидаги ихтисосликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи";
- "Давлат ва ҳуқуқ бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ";
- "Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ";
- "Ҳўжалик ҳуқуқи; хўжалик жараёни";
- "Меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи";
- "Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва қон ҳуқуқи; экология ҳуқуқи";
- "Жиноят ҳуқуқи; криминология; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи";
- "Жиноят жараёни; криминалистика ва оператив кидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси";
- "Халқаро ҳуқуқ";
- "Суд тизими; прокурор назорати; адвокатура".

Маълумот учун телефон: 132-05-80

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

Комила (исмлар ўзгартирилди)нинг қутилмаганда жинойи жаъобгарликка тортилгани барчани бирдек ҳайратга солиб қўйди. Чунки эвоқисини 35 ёши қоралаган бу аёл анча йилдан бунён мактабда ишлаб, қиминиқдор фарзанди, яна қиминиқдор набирасининг устозига айланиб улгурганди. Ҳўш, у қайси хатти-харакати туфайли шу кўйга тушди?

Гал шундаки, Комила ёшлигидан ўқитувчи бўлиши дилига тугди. Ўз орзусига етишиш учун мактабда аёло баҳоларга ўқиди. Албатта, унинг бу интилишлари зое кетмади. 1988 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига сирдан ўқишга кирди. Кирди-ю, аммо олийҳода ёлчиб ўқимади. Шу сабаб бўлиб, орадан кўп ўтмай талабалар сафидан четлатилди.

Ора йўлда қолиб кетган ана шундай бир пайтда у галустқ тақиб, портфел кўтарган зибиланмо бир кишига дуч келди. — Нима гап, сингилм, жуда хафа кўринасиз, — дея гап ташлади у.

Нотаниш "халоскор" Комиланинг нима демоқчи бўлганини тезда аниқлади ва уни тинчлантирди. — Машгулотлар бошланган вақтда бир-бир келиб турсангиз, бўлиб ўзингизга боғлиқ. Бу гаплар Комиланинг гулгула оралаган кўнглига таскин-тасалли берди. Майли, қандай бўлса ҳам, диплом қўлига тегса бас. Шу зайл орадан икки йил ўтди. Ва, ниҳоят, ўша кимса берган ваъдасининг устидан чиқиб, ўша институтнинг бошланғич таълим ихтисоси бўйича сохташларини, нидан ўтказилган текширувда сирга фох бўлиб қолди. Текширув эса жамоада авж олган "ёз-ёз"лар сабаб бўлди.

Бундан 8 йил муқаддам авжи ёз кунларининг бирида Мафтуна Ангрэн шаҳридаги эски мебел бозори борди. Шу ерда у худди Зомилага йўлиққани каби эр-хотин диллофурушларга дуч келди. Узаро сўхбат чоғида Мафтуна

рўйхат рақами 928, серияси БС№879056 бўлган қалбаки дипломни олиб берди. Энди ҳамма гап бу сохта дипломини ишлатишда қолган эди. Ёш "ўқитувчи" 1997 йил сентябрда дипломини ишга солди. Яъни шундан бунён тумандаги 26-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бера бошлади. Унинг "фаолияти" жорий йилнинг феврал ойига қадар давом этди. Аниқроқ айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томо-

ларга олий маълумотли бўлиш истаги борлигини билдирди. — Мана биз сизнинг мушқулнингизни осон қиламиз, — дейишди улар, — бироқ мушук бекорга оғдобга чикмаслигини яхши биласиз. — Албатта, "сиздан угина, биздан бугина" дейишган. Қанча бердишим керак? — дея сўради гапига чечан Мафтуна. — Бор-йўғи 150000 сўм. Кўнгли очикқина аёл экансиз, шунинг учун сизга арзонлаштириб айтди.

Qing'irlik qiyig'i

қунига қадар бемалол ишлаб юраверди.

Кимки жиноятга қўл урса, қилмишига яраша жазосини олиши шарт. Бу — қонун талаби. Шунинг учун жиноят ишлари бўйича Поп туман суди ҳар икки "муаллима"нинг хатти-харакатлари юзасидан адолатли ҳукм ўқиди.

Шу ўринда айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтиш мақсада мувофиқ. Қўитувчилик энг машаққатли ва энг шарафли касб. Унинг юкни хар қим ҳам кўтариб юролмади. Бунинг учун киши чинакам фидойи бўлиши керак. Фидойилик эса ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўйиш демакдир. Шундангина унинг шогирдлари ҳақиқий порлоқ келажак ворислари бўлиб етишади. "Қахрамон"ларимиз бўлса, ўз манфаатларини ўйлаб, ўқитувчи деган касбга номга доғ туширишди.

Энди шунча вақт давомиди "муаллима"ларнинг ўқувчиларга мақсад билемлари дипломлари каби сохта ёки юзак бўлмаганига ишониб қийин. Бунинг ўрнини тўлдириб бўлармиди? Маҳмуда НАСИБАЛИЕВА, ҳуқуқшунос Хуршид СЎЛТОНОВ, журналист

ИНСОН ВА ҚОНУН МУАСССА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРАТИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади	Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ	ТАХРИР Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ Бўринош МУСТАФОЕВ Пўлат САМАТОВ Хуршид СОДИКОВ Эркин ҚУДРАТОВ	ҲАЙЪАТИ: Сайфиддин РАҲИМОВ Фахрур АБДУМАЖИДОВ Махмуд САТТОРОВ Ислам ХАМРО Холди НОРБОВ Нормейли НОРПУЛТОВ	Тахририятга юборилган қўлма-лар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар турғилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.	Саҳифаловчи-дизайнер: Жабфар ЖАББОРОВ Навбатчи: Бобмурод РАЙИМОВ	Индекс: 646882 "ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят қўмпютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида. 2 босма табоқ ҳақда, осовет усулида "Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-уй. Бюро-ма Г-718. Тиражи — 7000. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30	МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сейитхоқ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50 2 3 4 5 6
---	--	---	--	---	---	---	---